(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

**Инсерт жадвали**

| **Тушунчалар** | **V** | + | - | ? |
|---|---|---|---|---|
| Номукаммал бозор | | | | |
| Монополия | | | | |
| Монопсония | | | | |
| Дуополия | | | | |
| Олигополия | | | | |
| Монополистик рақобат | | | | |
| Курно модели | | | | |
| Нархлар дискриминацияси | | | | |
| Жамият фаровонлиги | | | | |

**5-илова**

## Муаммоли саволлар

1.Монополия ва монополистик рақобатнинг бир-биридан фарқи нимада?
2. Мукаммал ва номукаммал рақобатли бозорлар қай жиҳатлари билан фарқланади?
3. Номукаммал бозорларда фирмалар фаолияти қандай амалга оширилади?
4. Номукаммал бозор шароитида фирмалар фойдасини максималлаштириш шартлари қандай ўзгаради?

## Тавсия этилган адабиётлар


1. Максимова В.Ф. Микроэкономика: учебник. М.: Маркет ДС, 2010. – 187-194 с.
2. Микроэкономика: практический подход (Managerial Ekonomics): учебник / кол. авторов; под ред. А.Г.Грязновой и А.Ю.Юданова. – 5-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2009. – 270-290 с.
3. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: Учебник для вузов.- М.:НОРМА, 2007.- 225-247 с.
4. Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт: Дарслик-Т.: Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.-9-13 б.
5. Салимов Б.Т., Мустафакулов Ш.И. Микроиқтисодиёт: масалалар, науналар, топшириқлар, тестлар.- Т.: “Gi Print”, 2010.- 110-117 б.
6. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микроиқтисодиёт. Улмасов А.У. Ўзбек тилига таржимаси. Т.: Шарқ, 2003. - 256-319 б.


## 10-мавзу. Фирмалар фаолиятида мавҳумлик ва таваккалчилик

**(2 соат)**

1. Бозор иқтисодиёти даврида таваккалчилик ва унинг вужудга келиши.
2. Таваккалчиликни ўлчаш.
3. Таваккалчиликка бўлган муносабатлар.
4. Тавакалчиликни пасайтириш йўллари.

5. Президент И.А.Каримовнинг “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтирищдир” номли асарларида келтирилган таваккалчиликни пасайтиришда диверсификациянинг ўрни ва аҳамияти.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Блиц-сўров**”усули, **“Синквейн” (5 қатор) техникаси**

**1-илова**

**Блиц-сўров саволлари**

| |
|---|
| Таваккалчилик нима?<br>Мавҳумлик деганда нимани тушунасиз?<br>Сиз мавҳумликка мисоллар келтира оласизми?<br>Таваккалчиликка муносабат қандай бўлиши мумкин?<br>Қандай инсонлар таваккалчиликка мойил бўлади?<br>Қандай инсонларни биз тавакалчиликка бефарқ деб ҳисоблашимиз мумкин?<br>Қандай вазиятда инсонлар таваккалчиликка мойил бўлмайди?<br>Таваккалчиликни пасайтиришнинг қандай йўллари мавжуд?<br>Диверсификация нима? |

**2- илова**

| **Гуруҳ билан ишлаш қоидалари** |
|---|
| Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;<br>Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;<br>Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;<br>Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;<br>Ҳар бири гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим. |

**3-илова**

**“Синквейн” (5 қатор) техникаси**

Материал қийматликлар ҳисоби тушунчасига таъриф бериш
Синквейн схемаси:
1–қатор – тушунча
2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат
3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл
4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз сўз бирикмаси
5-қатор – ушбу тушунча синоними.

**4-илова**

**Семинарни баҳолаш жадвали**

| Гуруҳ | Синквейн<br>аъло – 0,5 балл<br>яхши -0,4 балл<br>қон-ли – 0,3 балл | | | | | Таққослама таҳлил<br>аъло – 0,5 балл<br>яхши -0,4 балл<br>қон-ли – 0,3 балл | | | | | Умумий балл (5+10 устун) | Баҳо |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| № | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | жами | 1 | 2 | 3 | 4 | жами | 3 балл | 2-3 –«аъло»<br>1-2 – «яхши»<br>0,5-1-«қон-ли». |
| 1 | - | | | | | - | | | | | | |
| 2 | | - | | | | | - | | | | | |
| 3 | | | - | | | | | - | | | | |
| 4 | | | | - | | | | | - | | | |

## Тавсия этилган адабиётлар


1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 55-65 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 66-88 б.
3. Микроэкономика: практический подход (Managerial Ekonomics): учебник / кол. авторов; под ред. А.Г.Грязновой и А.Ю.Юданова. – 5-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2009. – 519-558 с.
4. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: Учебник для вузов. – М.: НОРМА, М.: 2007. - 300 – 390 с.
5. Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт: Дарслик-Т.: Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.-9-13 б.
6. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микроиқтисодиёт. Ўлмасов А.У. Ўзбек тилига таржимаси. – Т.: Шарқ, 2003. - 125-147 с.
7. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Микроэкономика: Учебное пособие.- СПб.:ПИТЕР, 2003. - 294-310 с.

## 11-мавзу. Асимметрик ахборот бозорлари ва уларни истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларга таъсири.

**(2 соат)**

1. Асимметрик ахборот бозорлари.
2. Асимметрик ахборот бозорларини истемолчилар ва ишлаб чиқарувчиларга таъсири

3. Бозордаги асимметрик ахборотларни йўқотиш йўллари.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар: "БББ" усули, мини-тест ечиш орқали ўтказилади.**

**1-илова**

**Ўқув топшириқлар**

| **Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири** |
|---|
| - ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;<br>- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;<br>- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;<br>- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;<br>- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;<br>- "Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз" қоидасини яхши билишлари лозим. |

**2-илова**

*1. Битта гап билан саволга жавобни шакллантиринг.*
асимметрия, ахборот, бозор, истеъмолчи, ишлаб чиқарувчи, савдо – сотиқ, афзалликка эга бўлиш ахборотнинг етишмаслиги тушунчалари қандай боғлиқликда намоён бўлади?
*2.* "Асимметрик ахборотлар бозорида ахборотлар номутаносиблигини йўқотиш йўллари" *бўйича схема тузинг.*
*3. Ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритинг.*

| |
|---|
| Маънавий таваккалчилик, бозор сигналлари, фьючерс, аукцион, хеджирлаштириш |

**3-илова**

**Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)**

| **Гурух** | **1 топшириқ** | **2 топшириқ** | **3 топшириқ(ҳар бир савол 0,2 балл)** | | | **Баллар йиғиндиси** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | (1,0) | (1,4) | 1-савол | 2-савол | 3-савол | (3,0) |
| **1** | | | | | | |
| **2** | | | | | | |
| **3** | | | | | | |

**4-илова**

**Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар**

| | **Тушунча** | **Биламан "+", Билмайман "-"** | **Билдим "+", Била олмадим "-"** |
|---|---|---|---|
| 1 | Асимметрия бозори | | |
| 2 | Бозор сигналлари | | |
| 3 | Маънавий таваккалчилик | | |
| 4 | Фьючерс | | |
| 5 | Аукцион | | |
| 6 | Очиқ аукцион | | |
| 7 | Ёпиқ аукцион | | |
| 8 | Инглиз аукциони | | |
| 9 | Голланд аукциони | | |
| 10 | Хеджирлаш | | |
| 11 | Суғурта | | |

## Тестлар

1.**Асимметрик ахборот - бу шундай ҳолатки, унда**

А) бозордаги бозор субъектлари ўртасида бўладиган савдо-сотиқда уларнинг бир қисми керакли, муҳим ахборотга эга, қолган қисми эса эга эмас.

Б) бозордаги бозор субъектлари ўртасида бўладиган савдо-сотиқда уларнинг барчаси керакли муҳим ахборотга бир хилда эга.

В) бозордаги бозор субъектлари ўртасида бўладиган савдо-сотиқда уларнинг барчаси керакли муҳим ахборотга эга бўлмайди.

Г) бозордаги бозор субъектлари ўртасида бўладиган савдо-сотикда ахборотнинг аҳамияти муҳим эмас.

**2.Йўқотишлар суғурта компанияси томонидан тўлиқ қопланишига ишониб вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишлар эҳтимолини онгли равишда оширишга интилувчи шахсларнинг ҳатти-ҳаракати:**

А) маънавий таваккалчилик

Б) фьючерс

В) опцион

Г) хеджирлаш

3. **Маънавий йўқотишларни қуйидаги йўллар орқали камайтириш мумкин:**

А) суғурталанадиган шахсларни яхшироқ текшириш, мижозларни йўқотишлари бўйича классификация қилиш асосида суғурта бадалини дифференциациялаш (яъни, йўқотиши юқори бўлган шахс учун юқори суғурта бадали белгилаш);

Б) юқори йўқотишга эга бўладиган шахслар билан суғурта шартномасини тузмаслик (наркоманлар, спиртли ичимлик ичиб автомобил ҳайдайдиган шахслар);

В) йўқотишни қисман қоплаш шарти билан суғурталаш.

Г) саналганларнинг барчаси орқали камайтириш мумкин.

4. **Голланд аукционида минимал мумкин бўлган нарх**

А) биринчи эълон қилинган нархнинг 10 фоизи ҳисобланади.

Б) биринчи эълон қилинган нархнинг 20 фоизи ҳисобланади.

В) биринчи эълон қилинган нархнинг 30 фоизи ҳисобланади.

Г) биринчи эълон қилинган нархнинг 50 фоизи ҳисобланади.

5. **Агар Голланд аукционида товар минимал мумкин бўлган нархда ҳам сотилмаса,**

А) биринчи эълон қилинган нархнинг 10 фоизидан пастроқ нарх белгиланади

Б) у сотувга қайта қўйилади

В) у сотувдан олинади

Г) барча ҳолатлар бўлиши мумкин.

## Тавсия этилган адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 55-65 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 66-88 б.

3. Микроэкономика: практический подход (Managerial Ekonomics): учебник / кол. авторов; под ред. А.Г.Грязновой и А.Ю.Юданова. – 5-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2009. – 519-558 с.

4. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: Учебник для вузов. – М.: НОРМА, М.: 2007. - 300 – 390 с.

5. Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт: Дарслик-Т.: Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.-9-13 б

6. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микроиқтисодиёт. Ўлмасов А.У. Ўзбек тилига таржимаси. – Т.: Шарқ, 2003. - 125-147 с.

7. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Микроэкономика: Учебное пособие.- СПб.:ПИТЕР, 2003. - 294-310 с.

## 12-мавзу. Фирмалар фаолиятидан инвестицион қарорлар қабул қилиш тартиби.

**(2 соат)**

1.Фирма активлари нархини шаклланиши модели.
2.Фойда ва таваккалчиликни ўзаро боғлиқлиги.
3.Истеъмолчилар томонидан инвестиция бўйича қарор қабул қилиш.
4.Қимматли қоғозлар пакетини капитал қўювчилар томонидан танлаш.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар: “Муаммони ҳал қилиш” усули.**

***1. Муаммоли вазифа***

Инвестицион лойиҳанинг ҳаётга жорий этилиши фирма учун қандай наф келтириши мумкин.

*2. Услубий кўрсатма: ҳаракат кетма-кетлиги (алгоритм)*

1. Муаммони савол шаклига келтиринг.
2. Асосий масалани шакллантиринг, унинг ечими муаммоли саволга жавоб бериш даражасида бўлсин.
3. Инвестицион лойиҳанинг ҳаётга жорий этилиши фирма учун қандай наф келтириши мумкинлигини ( белги, таҳлил йўналиши) айтинг.
4. Ечиш алгоритмини тузинг.
5. Жамоа бўлиб танланган кўрсаткични баҳоланг, уларни ёритиш кетма-кетлигини ўрнатинг.

6. Инвестицион лойиҳанинг ҳаётга жорий этилиши фирма учун қандай наф келтириши мумкинлигини баҳолаш бўйича танланган кўрсаткич асосида бир қатор кичик муаммоларни шакллантиринг ва жадвалга ёзинг.
7. “Ечимнинг мазмуни” устунига уларни аниқлаш, ҳисоблаш алгоритмини (формуласи,
тартибини) ёзинг.
8. Муаммони ечиш жадвалини тўлдиринг.
9. Сиз томонигиздан келтирилган кўрсаткичларнинг фирмалар учун аҳамиятини ёритинг ва оралиқ хулосаларни шакллантиринг ва ёзинг.
10. Якуний хулосани аниқ ва лўнда қилиб шаклантиринг.

*3 Муаммони ечиш жадвали*

| Муаммонинг шакллантирилиши: | Якуний хулоса: | |
|---|---|---|
| Қуйи муаммоларни шакллантириш | Ечимлар мазмуни | Хулоса |
| *1* | *2* | *3* |
| 1 | | |
| 2 | | |
| n. | | |

**2 – илова**

**Иш тартиби ва регламент**

1. Муаммони ечиш ва тақдимотни ёзиш учун гуруҳда ишлашга - 20 дақиқа
2. Муаммо ечимини тақдимот қилиш – 8 дақиқагача.
3. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш - 10 дақиқагача.
4. Ўзаро баҳолаш – 1 дақиқа

**3 – илова**

**Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар тақдимотини баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

| Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари | Максимал балл | 1 гуруҳ | 2 гуруҳ | 3гуруҳ |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| Ечимлар: | ***1,2*** | | | |
| - муаммони ва қуйи муаммони | 0,4 | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| тўғри шакллантириш; | | | | |
| - ечимни муаммо ва қуйи муаммо шаклига мос келиши; | 0,4 | | | |
| - мантиқийлик, аниқлик, хулосаларни қисқалиги. | 0,4 | | | |
| Тақдимот: | ***1,4*** | | | |
| - жавобларни аниқлиги ва тушунарлилиги; | 1,0 | | | |
| - ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (саволлар, қўшимчалар). | 0,4 | | | |
| Регламент | **0,4** | | | |
| Умумий баллар йиғиндиси | ***3,0*** | | | |

**Гуруҳ ишини умумлаштирувчи баҳо**

| Гуруҳ | **1** | **2** | **3** | Умумий балл | Баҳо<br>(умумий балл 2 га бўлинади)<br>2,2 -3 балл – «аъло»<br>1,2 - 2 балл – «яхши»<br>0,5 – 1,1 балл – «қон-ли» |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **-** | | | | |
| **2** | | **-** | | | |
| **3** | | | **-** | | |

**Тавсия этилган адабиётлар**

1. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: Учебник для вузов.- М.: НОРМА, 2007. - 318-328 б.

2. Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт: Дарслик-Т.: Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.-9-13 б.

3. Салимов Б.Т., Мустафакулов Ш.И. Микроиқтисодиёт: масалалар, науналар, топшириқлар, тестлар.- Т.: “Gi Print”, 2010.- 137-148 б.

4. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микроиқтисодиёт. Улмасов А.У. Ўзбек тилига таржимаси. – Т.: Шарқ, 2003 й. - 352-367 б.

5. 6. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Микроэкономика: Учебное пособие. - СПб.: “ПИТЕР,” 2003. - 251-270 с.

## 13-мавзу. Ташқи самара ва давлатнинг фирмалар фаолиятига аралашуви.

**(4 соат)**

### 1- амалий машғулот

1. Трансакцион ҳаражатлар.
2.Ижтимоий ва хусусий ҳаражатлар.
3.Ташқи таъсирлар ва уларнинг ҳал қилиниш йўллари.

### 2- амалий машғулот

1 Хусусий сектор ва ташқи самара.
2.Ташқи таъсирлар ва давлат.

**Қўлланиладиган педагогик технологиялар: 1- амалий машғулот “БББ” техникаси, 2-машғулот мини-тест ечиш орқали ўтказилади**

**1 – илова**

**Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3- устунни тўлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдиринг.
4. Маърузани эшитинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

**Б/Б/Б жадвали** (Биламан/Билишни хохлайман/Билдим)

| № | Мавзу саволи | Биламан | Билишни хоҳлайман | Билдим |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| **1** | Трансакцион харажатлар | | | |
| **2** | Ташқи самара | | | |
| **3** | Коуз теоремаси | | | |

**2–илова**

**Муҳокама учун эътиборни жамловчи ва муаммоли саволлар**

1.Ташқи самара деганда нима назарда тутилади?

2. Ташқи самара фирмалар фаолиятига қандай таъсир кўрсатади?

3. Ташқи самара ва давлат ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

4. Ижтимоий неъматлар хусусий неъматлардан қай жиҳатлари билан фарқланади?

5.Ташқи таъсирларни чеклаш ёки рағбатлантириш воситаларини изоҳлаб бера оласизми?

**3-илова**

## Ташқи самара ва давлатнинг фирмалар фаолиятига таъсири мавзуси бўйича конспект

**Трансакцион** ёки **операциялар харажати** - бу товарлар алмашуви соҳасидаги харажатлардир. Ушбу харажат Рональд Коуз томонидан 1930 йилларнинг бошларида киритилган.

Трансакцион харажатлар қуйидаги беш кўринишда бўлади:

1.Ахборот қидириш харажати;
2.Музокара олиб бориш ва шартнома тузиш харажати;
3.Ўлчаш харажатлари;
4.Мулк эгаси ҳуқуқини ҳимоя қилиш харажатлари;
5.Оппортунистик ҳаракат харажатлари.

**Ташқи самаралар** ёки **экстерналилар** (*externalities*)- бозордаги олди-соттидан олинадиган, лекин нархда ўз ифодасини топмаган харажат ёки фойда. Улар муайян операцияда қатнашадиган бозор субъектлари билан бир қаторда учинчи томон билан боғлиқ бўлгани учун ҳам «ташқи» деб қабул қилинади. Ушбу харажатлар ёки ютуқлар (фойда) товарлар ва хизматларни ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам истеъмол қилишда вужудга келади. $MSC = MPC + MEC$, (1)

бу ерда $MSC$ - ижтимоий чекли харажат;

$MPC$ - хусусий чекли харажат;

$MEC$ - ташқи чекли харажат (*Marginal External Cost*).

**Мусбат (ижобий) ташқи самара** бирор иқтисодий субъектнинг фаолияти бошқа субъектларга ютуқ келтирганда вужудга келади.

$MSB = MPB + MEB$ (3)

Бу ерда $MSB$ - ижтимоий чекли ютуқ;

$MPB$ - хусусий чекли ютуқ;

$MEB$ - ташқи чекли ютуқ.

Ташқи самараларни ички самарага айлантириш учун хусусий чекли харажатларни (ва мос ҳолда чекли ютуқни) ижтимоий чекли харажатларга (чекли ютуқларга) яқинлаштириш лозим.

Ушбу муаммони ечиш учун солиқлардан ва субсидиялардан фойдаланиш А.С.Пигу томонидан таклиф қилинган.

**Тартиблаштирадиган солиқ** - бу салбий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган ва хусусий чекли харажатни ижтимоий чекли харажатгача кўтарадиган солиқ.

Демак, юқоридаги мисолда солиқ $T$ ташқи чекли харажатга тенг бўлса, яъни $T = MEC$ бўлса, бозор мувозанатини самарали мувозанатга яқинлаштиради:

$$MSB = MSC.$$

**Тартиблаштирувчи субсидия** - бу ижобий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга бериладиган субсидия бўлиб, у хусусий чекли ютуқни ижтимоий чекли ютуққа яқинлаштиради.

Ташқи самара муаммосини ечишнинг янги йўли Р. Коузнинг илмий изланишлари билан боғлиқ. Р.Коузнинг фикрича, ушбу муаммо томонлар учун умумий муаммо бўлиб, унинг ечилиши иккала томоннинг биргаликда масъулиятли ҳаракат қилиш билан боғлиқ. Бу ерда эътибор икки томондан қайси бири кўпроқ, қайси бири камроқ йўқотишига берилмасдан, иккала томондан мумкин бўлган жиддий йўқотишни олдини олишга берилиши лозимлиги кўрсатилган.

## Тестлар

1.Трансакцион ёки операциялар харажати – бу:

А) товарлар алмашуви соҳасидаги харажатлардир.

Б) бозордаги олди-соттидан олинадиган, лекин нархда ўз ифодасини топмаган харажат ёки фойда.

В) бу ижобий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга бериладиган субсидия;

Г) бу салбий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган ва хусусий чекли харажатни ижтимоий чекли харажатгача кўтарадиган солиқ

**2.**Ташқи самаралар ёки экстерналилар (*externalities*):

А) товарлар алмашуви соҳасидаги харажатлардир.

Б) бозордаги олди-соттидан олинадиган, лекин нархда ўз ифодасини топмаган харажат ёки фойда.

В) бу ижобий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга бериладиган субсидия;

Г) бу салбий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган ва хусусий чекли харажатни ижтимоий чекли харажатгача кўтарадиган солиқ

3.Ижтимоий чекли харажат қандай аниқланади?

А. $MSC = MPC + MEC$,

Б. $MSB = MPB + MEB$

В. $MSC = MPC - MEC$

Г. $MEC = MSC - MPC$

4.Тартиблаштирадиган солиқ

А) товарлар алмашуви соҳасидаги харажатлардир.

Б) бозордаги олди-соттидан олинадиган, лекин нархда ўз ифодасини топмаган харажат ёки фойда.

В) бу ижобий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга солинадиган солиқ

Г) бу салбий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган ва хусусий чекли харажатни ижтимоий чекли харажатгача кўтарадиган солиқ

**Тавсия этилган адабиётлар**


1. Нуриев Р.М. Курс микроэкономики: Учебник для вузов. – М.: НОРМА, 2007. - 423-460 с.

2. Salimov B.T., Muxitdinova U.S., Mustafakulov Sh.I., Salimov B.B. Mikroiqtisodiyot: Darslik-T.: Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005.-106-116 b.

3. Пиндайк Р., Рубинфильд Д. Микроиқтисодиёт// Улмасов А.У. Ўзбек тилига таржимаси.- Т.: Шарқ, 2003. - 429-444 б.


## 3. МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Фан бўйича талабаларга мустақил иш учун 78 соат ажратилган. Мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган, мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари ҳамда изланиш объекти бўлмиш корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш; илмий-амалий анжуманларга маъруза тезислари ва илмий мақолаларни тайёрлаш.

Талабаларнинг мазкур фан бўйича мустақил ишини ташкил этиш ва уни назорати Тошкент молия институти ректори томонидан тасдиқланган "Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат ва баҳолаш туғрисидаги Низом"и га мувофиқ фан бўйича мустақил ишни ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича Услубий кўрсатмалар2[2] асосида олиб борилади.

2[2] Салимов Б.Т., Мустафакулов Ш.И. «Микроиқтисодиёт» фанидан (Мустақил иш бажариш бўйича услубий кўрсатмалар).- Т.: ТДИУ, 2010 - 12б.

“Микроиқтисодиёт” фанидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Замонавий бозор иқтисодиёти муаммоларини ечишда микроиқтисодиёт фанининг аҳамияти.
2. Сотувчи даромадини товар эластиклигига кўра таҳлил қилиш.
3. Рақобатлашган бозорда, қисқа муддатли оралиқда ишлаб чиқарувчининг мувозанат ҳолати.
4. Эластиклик ва солиқ юкининг истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимланиши.
5. Рақобатлашган бозор самарадорлиги.
6. Ишлаб чиқариш назарияси.
7. Ишлаб чиқарувчи ортиқчалиги ва истеъмолчи ортиқчалиги.
8. Рақобатлашган бозорда қисқа муддатли оралиқда корхона фойдасини максималлаштириш, корхона таклифи.
9. Даромад самараси, алмаштириш самараси.
10. Корхона ва тармоқнинг рақобатлашган бозорда узоқ муддатли оралиқдаги ҳаракатлари.
11. Ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштирувчи омиллар нисбатини танлаш.
12. Ишлаб чиқариш масштаби ва фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги самарали размери.
13. Истеъмолчининг бозордаги ҳаракати.
14. Таваккалчиликни пасайтириш йўллари.
15. Ижобий ва салбий ташқи самаралар.
16. Монопол рақобат ва бозор самарадорлиги.
17. Курно модели ва мувозанати.
18. Ишлаб чиқариш омиллари бозори.
19. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати ва чиқиндиларнинг оптимал даражасини аниқлаш.
20. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли.

## УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

### Микрогуруҳлар баҳс-мунозаралари юзасидан тавсиялар

Амалий машғулотларини талабаларнинг юксак фаоллиги шароитида ўтказиш “Микроиқтисодиёт” фанини ўқитишнинг асосий талабларидан биридир. Бунга эришиш усулларидан бири микрогуруҳлар бахс-мунозараларини муҳим равишда уюштириб боришдир. Мазкур усулни амалда ишлатиш кўп босқичли бўлади:

**Биринчи босқичда:** Амалий гуруҳидаги талабалар 2-3 та кичик гуруҳларга ажаратилади. Гуруҳнинг бошловчилари – лидерлари тайинланади, улар алмаштириб турилади, натижада ҳар бир талаба ўқиш даврида лидерлик вазифасини ўтайди. Ўқитувчи лидернинг функцияларини аниқ белгилаб беради. Лидернинг ўзи пухта тайёрланиши, бошқалардан шу жиҳатдан юқори туриши, гуруқ фикрини қайраб туриши, хуллас муайян Амалийдаги йўлбошчи бўлиши талаб қилинади.

**Иккинчи босқичда:** Баҳс-мунозара учун предмет танлаб олинади, яъни қайси бир масала юзасидан тортишув бўлишини ўқитувчи олдиндан белгилаб, бу ҳақда гуруҳларни огоҳ этади. Гуруҳлар мунозара предмети юзасидан олдиндан тайёргарлик кўради. Ўқитувчи бир неча машғулот учун баҳс объектини олдиндан белгилаб беради.

**Учинчи босқичда**: Баҳс-мунозара машғулот пайтида ташкил этилади. Бунда қўйилган масала юзасидан ҳар бир микрогуруҳ вакили ўз фикрини билдиради. Гуруҳлар бир-бириги савол беради, эътирозини билдиради. Шу ўринда аргумент ва контраргументни қўлланади. Баҳсга ўқитувчи аралашиб қўйилган саволларга аниқлик киритади, муҳокама юзага келтирган янги саволларга жавоб беради. Баҳс ҳақиқий илмий мунозарага айланиши талаб қилинади.

**Тўртинчи босқичда:** Ўқитувчи баҳс-мунозарага якун ясаб қайси микрогуруқ устун келганлиги, қайси талаба баҳсда кучли аргумент (важ) келтирганлигини қайд этади. Баҳс якунига қараб ўқитувчи иштирокчиларга балл қўяди. Бунда мунозарада етакчилик қилган талабага, у ўз ишини уддасидан чиққан шароитда, энг юқори балл қўйилади. Мунозаранинг фаол иштирокчилари ҳам балл билан сийланади.

Баҳс-мунозара ўтказилганлиги ва қўйилган баллар Амалий дафтарида алоҳида қайд этилади. Бу билан тингловчилар билимига адолат билан якуний баҳо чиқаришга эришилади.

**Кичик гуруҳларда ишлаш.** Бунда тингловчилар 3-5 кишилик гуруҳ ҳосил этадилар. Ҳар гуруҳ мустақил топшириқ олиб, уни биргаликда бажаради ва ишлаш натижаларини катта гуруҳ олдида баён қилади, хар хил натижа олинганда бу асосланиб берилади, бошқа гуруҳлар билан бахс қилинади. Кичик гуруҳда тингловчилар бир-биридан ўрганади. Кичик гуруҳда ишлаш учун назарий муаммо,

мисол ва масала ечиш, топишмоққа жавоб топиш, қўйилган аниқ муаммони ечиш, графиклар тузиш, жадвалларни тўлдириш кабилар бўлиши мумкин.

## Вазиятли видеолавҳалар таҳлили

Телелавҳалар иқтисодий фаолиятга бағишланган саҳналар ва кино кадрлардан иборат бўлиб, бадиий-илмий материалларни қамраб олади. Уларда бадиий образ орқали иқтисодий жумбоқлар қўйилган, иқтисодий ечимлар ва амалий ҳатти-харакатлар тасвирланган. Бадиий лавҳалар мавзуларга қараб телевизорда намойиш этилади, ҳар лавҳа сўнгида саволлар қўйилган уларга жавобни талабалар топишлари керак.

Бунда ўқитувчи лавҳалар қандай муаммо қўйилганлигига урғу беради, шу билан бирга қабул қилинган қарорлар тўғри ёки нотўғрилиги ҳақидаги масала ўртага ташланади, агар ҳато бўлса, у нимадан иборат деган саволга эътибор берилади. Тингловчилар ўз фикр мулоҳазасини билдириб баҳслашади, улар кичик гуруҳларга бўлиниб бошқа гуруҳ берган жавобни шархлайди, тўғри ва нотўғри эканлигини асослайди. Ўқитувчи баҳслар юзасидан ажрим қилади. Телелавҳалар кетма-кет мавзусига қараб баҳс усулида таҳлил этилади. Лавҳалар таҳлилининг кенглиги ва чуқурлигига қараб унда иштирок этган талабаларга балл берилади ва у журналда қайд этилади.

## Савол-жавоб ва суҳбат

Амалий машғулоти ўтказишнинг энг тарқалган шакли. Бунда Амалий режасида кўриладиган масалалар юзасидан ўқитувчи қўйган саволларга талабалар жавоб беришади. Йирик саволлар билан биргаликда майда саволлар ҳам ўртага ташланади, уларга ихтиёрий равишда жавоб берилади, жавобларга танқидий эътирозлар ҳам тингланади, саволлар яна бошқа жавоблар билан тўлдириб борилади. Дарсда талабалар ўқитувчи олдига ҳам савол қўядилар. Саволлар ечилмай қолган тақдирда улар юзасидан ўқитувчи суҳбат ўтказади. Савол-жавоблар натижасига қараб ҳам талабаларга балл қўйилади.

## Ёзма иш ва уни тақризлаш

Бу усул талабаларни дарсга нақадар тайёрланиб келганлигини билиш, қўйилган масала юзасидан улар нақадар билим олганликларини умумий тарзда аниқлаш учун ўтказилади. Бунда талабаларга аниқ ва қисқа савол берилади, унга талабалар ёзма равишда лўнда қилиб жавоб беришади. Ёзилган жавобларга магистрларни ўзи тақриз беради. Бунда жавоб тўғри ёки нотўғри эканлиги, қайси жавоб энг заиф ёки энг тўла эканлиги асосланади. Ҳар бир тақриз берувчи ўз аргументини келтиради, ўз фикрини оғзаки равишда асослайди. Шу йўсинда баҳс

бошланади. Ёзма жавобнинг мазмундорлиги, тақризлар ва баҳслашув натижасига қараб ўқитувчи тингловчиларга балл қўяди.

## Амалий ва роль ўйинлари

Амалий машғулотининг энг қизиқарли, лекин ўта маъсул шакли. Бундай дарс олдиндан ёзилган сценарийлар асосида ўтказилади. Ўйинлар мавзуси олдиндан белгиланади, унга жиддий тайёргарлик кўрилади, роллар ҳам олдиндан тасдиқланади, уларни ўтитувчи ҳар бир талабага ёки кичик гуруҳга беркитиб қўяди. Ўйинлар натижасида талабалар амалий ишни нақадар яхши бажара олишлари аниқланади. Ўйинлар одатда долзарб муоммолар юзасидан ўтказилади.

Аввало амалий ўйин предмети сифатида иқтисодий муоммо имитация қилинади. Муаммонинг ечими юзасидан ҳар бир ўйин иштирокчиси ўз ролини ижро этади. Роль ижрочиси муаммони ечиш юзасидан ўз қарорини эълон қилади, нима қилишини билдиради. Буларга қарама-қарши равишда бошқа роль ижрочилари муаммога бошқача қарашини билдиради. Ҳар бир роль ижрочиси ўз гапини маъқуллайди. Ўйин ўтказилганда ижрочилар 2 гуруҳга ажратилади. Улардан бири ўз фикрини тасдиқласа, бошқаси эътироз билдириб бунга рози бўлмайди. Қарши турган ижрочилар муаммонинг альтернатив ечимини берадилар. Роль ижрочиларининг билим маҳорати, яъни масала ечимига асосли ёндашувига қараб уларга балл берилади.

## Кўникма олиш машқлари

Бундай усул амалий кўникмалар олиш юзасидан бажарилади. Бунинг учун кўникма объекти олинади, яъни нима қилиш аниқлаб берилади. Берилган топшириқ босқичма-босқич бажариб борилади ва буни ўқитувчи назорат қилади.

Бажариладиган амаллар керак бўлса, бир неча бор такрорланади. Тингловчи амалларни сўзсиз бажара олишига эришгач унинг иши баҳоланади. Кўникма одатда амалий ҳисоб-китоб ўтказиш, масала ечиш график ва жадваллар тузиш юзасидан ҳосил қилинади.

## «Давра суҳбати»

«Давра суҳбати» амалий дарсининг фаол шакли ҳисобланади.

Талабалар тавсия этилган адабиётлар устида ишлашлари ва эркин муҳокамада, ўртоқчилик баҳслашишда режада кўрсатилган саволларни муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишлари лозим.

Қўйилган саволлар-муаммоларни муҳокамасини банк, молия ва солиқ органларининг фаолияти билан боғлаб кўрилиши талаб қилинади.

“Давра суҳбати”ни эркинлик вазиятда ўтказиш, талабаларни ўзаро бемалол фикр алмашишини ташкил қилиш, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида дарсни ўқитувчи эмас, талабалар гуруҳи томонидан демократик равишда сайланган, тасдиқланган лидер олиб боради.

“Давра суҳбати”га олдиндан тайёргарлик кўрилади, керак бўлса ўқитувчи консультациялар ўтказади.

Ўқитувчи гуруҳ лидерини дарс олиб бориш учун ҳам мазмунан, ҳам методик нуқтаи-назардан тайёрлайди.

“Давра суҳбати”ни лидер қисқача кириш сўзи билан бошлайди. Талабалар режада кўрсатилган саволларни навбат билан кўриб чиқадилар. Сўзга чиққан талаба гуруҳ аъзоларидан тушган саволларга жавоб беради.

Ҳар бир муҳокамага қўйилган савол бўйича асосий сўзга чиққан талабадан ташқари бошқалар қўшимча ёки танқидий чиқишлар қилишлари мумкин.

Гуруҳ лидери ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича охирида қисқа хулосалар чиқаради.

Дарснинг юқори самарали бўлиши учун имконият борича муҳокамада кўпроқ талабалар иштирок этишлари лозим.

“Давра суҳбати”нинг охирида якун сўз билан ўқитувчи чиқади. Ўқитувчи талабаларни сўзга чиқишларини хулоса қилади ва нотўғри чиқишлар бўлган бўлса, уларни тўғрилаб ўтади, масаланинг моҳиятини охиригача очиб беради, ёритилмай қолган саволларни ёритади.

Дарс охирида давра суҳбати иштирокчиларига балл қўйилади.

Юқорида келтирилган услубларни қўллаш бўйича амалий режасида ҳар савол охирида кўрсатмалар берилади яъни қайси масалани қандай усулда муҳокама қилиш маъқуллиги кўрсатилади.

## РЕФЕРАТ ЁЗИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

Реферат мустақил ишнинг муҳим бўғинидир, унинг мазмуни ва ўз вақтида ёзиб топширилишига қараб талабалар билими балл билан баҳоланади. Одатда ҳар бир реферат учун, агар у яхши ёзилган бўлса 5, энг кўпи 10 балл берилади. Баллни кўпроқ олиш учун 2-3 та реферат ёзиш мумкин эмас. Рефератлар умумназарий ёки йирик иқтисодчиларнинг таниқли асарлари юзасидан ёзилади. Рефератлар мавзуларидан қайси бирини танлаб олиш талаба ихтиёрида бўлади.

Талаба реферат мавзусини бўлғуси диссертацияси ёки ўзи қизиққан масалага яқин қилиб танлаб олгани маъқул. Аммо танланган мавзулар бир-бирини такрорламаслиги зарур, лекин айрим асарлардан ёзиладиган рефератлар бундан мустаснодир.

Умумназарий мавзудаги рефератлар рўйхати ўзгартириб ва тўлдирилиб борилади, шу боис расмий рўйхатда бўлмаган мавзуда ҳам реферат тайёрлаш

мумкин, аммо янги мавзу ўқитувчи тавсиясига биноан ёки унинг розилиги билан танлаб олинади. Мавзу аниқ бўлгач талаба мустақил равишда унга оид адабиётларни ўрганиб чиқади. Умумназарий тусдаги рефератлар ёзилганда фақат йирик китоб ва рисолалар эмас, балки журнал мақолалари, турли ташкилотлар тайёрлаган тўпламлар, статистика маълумотлари ҳам ўрганилади. Мавзу билан танишилгач рефератнинг режаси тузилади ва ўқитувчи билан у келишилади.

Режага биноан фақат қўлда ёзилган реферат белгиланган вақтда ўқитувчига топширилади. Реферат кеч топширилса унга бериладиган балл камайтирилади. Юқори балл олиш учун рефератни сермазмун қилиб ва ўз вақтида тайёрлаш керак. Топширилган реферат вақти кўрсатилган ҳолда кафедра журналида қайд этилади. Рефератни Амалий машғулоти ўтказувчи ўқитувчи текшириб чиқади, унинг мазмуни, вақтида топширилиши ва қандай шаклда расмийлаштирилишига қараб балл қўйиб чиқади ва уни рефератнинг бош бетига ёзиб, ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Рефератнинг асосий мазмуни Амалий машғулоти чоғида унинг муаллифи томонидан баён этилишига йўл берилади. Энг яхши рефератлар конференцияларга тавсия этилади.

## Мустақил иш

Талабалар дастурда белгиланган ҳажмда билим олишлари талаб қилинади, аммо дарс соатлари чегаралангани учун улар ҳамма керакли муаммоларни дарсда ўзлаштириб улгурмайдилар. Дарс жараёнида олиб улгурулмаган билимларни мустақил ишлаш орқали ўзлаштирилади. Талабалар фан дастурида кўрсатилган масалалар бўйича балл тўплашлари зарур, бунинг учун эса мустақил иш топшириқларини бажаришлари савол тариқасида, албатта якуний тестларга киритилади. Мустақил иш 2 қисмли бўлади: 1) Мустақил равишда реферат ёзиш; 2) Мустақил равишда дастурда тавсия этилган масалаларни ўрганиб чиқиш. Мустақил ишлаш жараёнида талабалар белгиланган топшириқларни, адабиётларни қунт билан ўрганиш асосида бажариб, билимларини тўлдирадилар. Мустақил ишни бажарилишига қараб (рефератларни инобатга олган ҳолда) талабаларга балл қўйилади.

## Амалий (семинар) машғулоти давомида ақлий мунозара шаклида ўтказиладиган ишчи ўйиннинг қоидалари

Ақлий мунозара шаклида ўтказиладиган ишчи ўйиннинг барча қатнашчилари 3 (2) ишчи гуруҳга ва 1та экспертлар гуруҳига бўлинади.

Ҳар бир гуруҳ ўқитувчи томонидан топшириқ олади.

Ҳар бир гуруҳга ёрдам тариқасида тегишли йўналишларни амалга оширишни тезлаштириш юзасидан тахминий тадбирлар режаси берилади.

Ҳар бир гуруҳнинг асосий вазифаси юқоридаги 10 та саволдан иборат тадбирларни ишлаб чиқишдан ва уни барча Амалий қатнашчилари олдида тақдимот тарзида ҳимоя қилишга тайёрлашдан иборат.

Тақдимотни тайёрлашга 5 дақиқа ва уни ҳимоясига ҳам 5 дақиқа ажратилади.

Ишлаб чиқилган тадбирларнинг тақдимоти маърузанинг асосий қисмидан кейин ўтказилади ва бошқа гуруҳ аъзолари томонидан тўлдирилади.

Ишчи гуруҳлар тақдимот ўтказганидан кейин бош маърузачи ақлий мунозара натижаларини умумлаштиради, эксперт гуруҳи аъзолари эса, ҳар бир тақдимотни баҳолаган ҳолда, ғолибни аниқлайдилар.

Ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган тақдимотни баҳолашнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат:

1. Тақдимотдан олинган умумий таассурот.
2. Танланган тадбирлар режасининг истиқболлиги;
3. Муаммони ечимига комплекс ёндашув;
4. Танланган саволларнинг долзарблиги;
5. Муаммонинг ечимига иштирокчилар ёндашувининг янгилиги;
6. Белгиланган чора-тадбирларнинг ўзаро боғлиқлиги;
7. Белгиланган чора-тадбирларнинг аниқ баён қилинганлиги;
8. Савол қўйилишининг кенглиги;
9. Тақдимот жараёнининг жонлилиги;
10. Тадбирларни ишлаб чиқишда жамоавийлик.

Ҳар бир мезон 0,5 баллдан баҳоланади.

Гуруҳлар тақдимоти энг юқори балли – 5 баллни ташкил этади.

## Информацион – техник воситалар

“Микроиқтисодиёт” фани бўйича талабаларнинг билимларни ўзлаштириш даражасини ва сифатини ошириш учун янги интерактив, педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Маърузалар Microsoft Office Power Point  дастурида тайёрланган слайд презентациялари орқали ўқитилади. Уларга қисқача тарқатма материаллар тарқатилади. Юқорида номлари келтирилган технологиялар талабаларнинг ўзлаштириш даражасининг бевосита юқори бўлишига олиб келади.

Ушбу фанни талабалар яхши ўзлаштиришлари учун иқтисодий назария курсини, иқтисодий қонунларни, рақобат қонунларини, корхоналарнинг фаолият кўрсатиш механизмини, меҳнат жараёнида вужудга келадиган муносабатларни, фирмалар қарор қабул қилишда юзага келадиган зиддиятли вазиятларни ва уларни бартараф этиш йўлларини мустақил ўрганишлари ва улардан бохабар бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Фан бўйича ва унга яқин мавзулар юзасидан INTERNET тармоғидан фойдаланишлари талабаларнинг билимларини ҳар томонлама ошишига олиб келади.

Курс бўйича маърузалар матни, Microsoft Office Power Point дастурида тайёрланган слайд презентацияларининг босма ва электрон вариантлари мавжуд. Бундан ташқари кутубхонада курс бўйича тавсия қилинган адабиётлар мавжуд.

Интернет сайтлари:
http://www. iet. ru
http://www.nes.ru
http://www.ic.omskreg.ru
http://www. imce.ru
http://www.cer.uz
www.review.uz

## 5. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАРГА ТАЙЁРЛАНИШДА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР


**1.** Каримов И.А. «2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларида бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси.-www.press-service.uz

**2.** Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир”, деб номланган маърузаси. http://www. //press-service.uz/.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти. –2010. – 310 бет

**4.** Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт: Дарслик -Т.: ТДИУ, 2006. -230 б.

**5.** Авдашева С., Розанова Н. Теория отраслевых рынков. М., 1989.

**6.** Апарин Н., Мымрикова Л. Методология изучения эффективности конкуренции и монополизма в промышленности // Вопросы статистики.1997. №12.

**7.** Артур Томпсон, Джон Формби. Экономика фирмы / Пер. с англ. – М .: ЗАО “Издательство БИНОМ”, 1998. – 544 с .

**8.** Библиотека экономической и деловой литературы http://www.aup.ru/library

**9.** Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Микроэкономика.СПб.: Питер,2003.368 с.

**10.** Винокуров Е. Ф., Винокурова Н.А. Трудные задачи по экономике: Пособие для учащихся старщих классов. – М.: Вита-Пресс, 2001. -112. с .

**11.** ГУП Институт Микроэкономики при Министерстве Экономики России. "http://www.imce.ru"

**12.** Дорохина Е.Ю. Моделирование микроэкономики: Учебное пособие для вузов / Е.Ю.Дорохина, М.А.Халилов: Под общ.ред. Н.П.Тихомирова. – М.:Экзамен, 2003. – 224с.

**13.** И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т.:Ўзбекистон, 2009.-56 б.

**14.**Игнатьева, Моргунова. Микроэкономика. "http://www.economics.ru"

**15.**Игошин Н.В. Экономика: Учебное пособие для вузов / М.:ЮНИТИ – ДАНА, 2004. 607с.

**16.** Институт Микроэкономики. "http://www.citymarket.ru"

**17.** Книмов С.М. Микроэкономика: Учебное пособие / С.М.Климов, А.П.Семин, Т.А.Федорова. – Спб.:ИВЭСЭП , Знание, 2003. – 350с.

**18.**Корниенко О.В. Микроэкономика: 100 экзаменационных ответов: Экспресс – справочник /. – И: Ростов Н / Д.: Март, 2003. – 304с.

**19.** Курс Микроэкономики 1 в "Микроэкономике промежуточного уровня". Особое внимание уделяется производству, теории фирмы и структурам psнка. http://www.nes.ru/Acad_year_2001/Micro2-rus.htm _

**20.** Микроэкономика. Методическое пособие для преподавателей и студентов. Под. Ред. Рудоковой И. Е., Никитиной И.И.-М,: ТЕИС. 2004.-160с.

**21.**Мицкевич А.А. Сборник заданий по экономике с решениями: Пособие для М 70 преподавателей экономики. – В 3-х. книгах. Кн. 1. Задачник по Микроэкономике с решениями. - М.: Вита-Пресс, 2001. -592 с.

**22.**Мицкевич А.А. Сборник заданий по экономике.– М.: Вита-Пресс, 1997. - 144 с.

**23.**Мицкевич А.А. Экономика в задачах и тестах: Пособие для учетеля. – М.: Вита-Пресс, 1995. -320 с.

**24.**Никулина И.Н. Экономическая теория: Пособие для семинарских занятий. – В 2-х ч. Ч. 1. Микроэкономика. – Микроэкономика. – М.: ГУ- ВШЭ , 1998. - 95 с.

**25.**Нуреев Р.М. Курс микроэкономики : учебник / Р.М. Нуреев. – 2–е изд., изм. – М .: Норма, 2008. – 576 с.

**26.**Нуреев Р.М. Сборник задач по микроэкономике. К “Курсу микроэкономики” – М .: Норма, 2004. – 432 с.

**27.**Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроиқтисод (Инглизчадан қисқартириб таржима қилинган. А.Ўлмасов ва бошқ.: Олий ўқув юртлари учун қўлланма. – Т.: “Шарқ”, 2002. – 448 б.

**28.**Программа курса “Микроэкономика” http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/program/4.htm

**29.**Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт фанидан масалалар тўплами. Т.:Фан ва технологиялар, 2005.105 б.

**30.**Сборник задач по экономике: Учебное пособие/Отв.ред. Ю.В.Власьевич. – М.: БЕК, 1996.-273 с.

**31.**Симкина Л. Г., Корнейчук Б. В. Микроэкономика. – СПб: Питер, 2002. – 464 с.

**32.**Тарасевич Д.С. Гребенников Т.И. Леусский Д.И. Микроэкономика, учебник; М.: ЮРАЙТ издат. 2003. 375с.

# МУНДАРИЖА

**Кириш** ........................................................................................ 3

1. Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимоти ........................................................................................ 4

2. Амалий (семинар) машғулотларнинг намунавий мавзулари........................................................................................ 9

3. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни .................. 47

4. Услубий кўрсатмалар ...................................................................... 49

5. Амалий (семинар) машғулотларга тайёрланишда тавсия этиладиган адабиётлар .................................................................... 56